

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



## MUHAMMAD YUSUF SHE'RIYATIDA OTA OBRAZI

**Zaripova Muxlisa**

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat  
pedagogika instituti 1-bosqich talabasi.

Ilmiy rahbar: **K. Tashanov** -  
filologiya fanlari nomzodi, dotsent

**Annotatsiya:** Muhammad Yusufning rang-barang she'riyatida ota timsoli tasviri, o'ziga xos xususiyati, uni yaratishda shoir uslubi va badiiyati masalalari o'rganilgan.

**Kalit so'zlar:** Obraz, ota, poetika, naql, Vatan.

Дунёга келиш Аллоҳнинг измиди, қанча умр кўриш ҳам яратган эгам инояти биландир. Тақдир йўлини танлаш мумкиндир. Аммо инсон тақдирига икки нарса қисмат қилиб ёзилади: биринчиси Ватан, иккинчиси ота-она!..

Бу турфа хил умрлар орасида ҳеч кимникига ўхшамаган шоирлар умри бор, уларнинг такрорланмас шеърлари бор, ўқисанг олам-олам маъно мужассам. Қисқа умр кўрган бўлса-да, истеъдоди билан боқий яшаб келаётган шоир Муҳаммад Юсуф ҳақида сўз кетганда, ўзига хос ижоди ва Аллоҳнинг назари тушган маънавий мулк эгаси эканлигини таъкидлаш жоиз. Муҳаммад Юсуф, аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифланган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди.

Шоир ҳақида Ўзбекистон халқ қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад: *“Муҳаммад Юсуф покиза инсон эди. У одамларнинг эсини огдирган, ўйлатган, кулдирган, йиғлатган, топган-тутганини одамлар устидан сочган сахийлик тимсоли эди”*, -деган эди. [2.5.]

Шеърият бўстонида шоир ва шоиралар кўп, аммо Муҳаммад Юсуф каби ижодкорлар камдан кам туғилади. Шоир шеърларининг барчаси деярли кўшиққа айланиб улгурган, халқ қалбида чуқур из қолдирган. Шоир ижод маҳсулини яратишда ўзгача услуб - ҳаётий ва ҳаёлий тасаввурларни оддий сўзлар орқали инсон қалбига жойлади, уни тафаккур қилишга ундади. Бу оддийлик, бир қарашда биз ҳам ана шундай шеърларини яратиш кўлимиздан келадигандек кўринса ҳам, аслида, бундай шеъриятни қайта яратмоқ мушкул.

Шеърият шундай жозибадорки, уни адабиётни юраги десак ҳам бўлади. Негаки насрдаги фикрлар инсон қалбига етиб бормаган сўзни шеъриятда ўз ўрнида қўлланилса, уни қалбини ларзага солади, инсонни тафаккур қилишга



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

ундайди. Атоқли шоир, носир ва драматург Асқад Мухтор: “...шеър одамнинг яшаши учун, кураши, улгайиши учун зарур”, -деганда мутлақ ҳақ эди. [1.278.]

Шоир шеърлятида ота-она образи кенг кўламли. Уларни ўқиган инсон таъсирланмай қолмайди, албатта. Муҳаммад Юсуф шеърлятида “Онамга” шеъри ҳақиқатдан ҳам қалблар тубида яширинган фарзандлик бурчи нима эканлигини қайта ўйлашга ундайди.

*Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,  
Бир парча юраги минг пора онам.  
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,  
Тошканни бир бора кўрмаган онам,  
Боланг бўлиб бошлаб келдимми  
Энди сенга ўғил бўлдимми!.. [3.34.]*

Муҳаммад Юсуф шеърлятидаги Ота, Она, Ватан тимсоллари катта аҳамият касб этади. Масалан, шоирнинг “Ота уйи” шеърида қиз фарзанднинг ўрни бўлаклигини таъкидлаб, қиз бўлмаган уйда тонг эрта отмаслигини сержило метафораларда тасвирлайди.

Муҳаммад Юсуф шеърлятида ўзига хос тарзда яратилган ота образи бир-бирини такрорламаган “Ота” ва “Машҳур ўғил” шеърларида отанинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида поэтик қарашлари акс этган.

Ота-она...қисматимиз, бойлигимиз, борлигимиз!...

Оила аталмиш жамиятнинг кичик бўғинида ота-онага жамиятни ривожланиши учун фарзанд тарбиясидек масъулиятли вазифа уларнинг гарданига юкланган. Она елкасига ортилади фарзанд тарбияси, Ота ўғити, ота насиҳати, ота тарбияси ҳаёт уммонларида болани комиллик сари етаклайди. Ўғил фарзанд отадан ўртак олса, қиз фарзанд эса келажакда ўз отасига ўхшаган инсон турмуш ўртоғи бўлишини орзу қилади ва ният қилади.

*Насиҳатга кўнмади ўғил,  
Ота хуноб, кампир хайрон.  
Пишқиради олис йўлга шай  
Бостирманинг остида жайрон. [3.185.]*

Шеърда ёзилиш услуби ўзига хос тарзда. Ота дарди, унинг қалбини емираётган дард фарзанднинг “қулоқсиз”лиги. Отани ранжиш сабаби ўз фарзанди, жигаргўшаси.

*Насиҳатга кўнмади ўғил,  
Ота хуноб, кампир хайрон.*



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

Ота ўғилга насихат қилар экан, ўғил отани эшитиш тугул, ҳатто қулоқ солмаганлиги, бу ҳолатдан ота хуноб, нима қилишни ҳам билмай гаранг аҳволда. Шеърдаги ота ва онанинг ҳолатини тушуниш, тасаввур ва ҳис қилиш мушкулот талаб қилмаса керак. Лекин шеър матнидаги “она” ўрнига шоирнинг “кампир” сўзини қўллаши ғайритабиий фикрлар уммонига етаклайди. Негаки, шу сўзга шоир ўзгача маъно юклаган. Бирданига ярқ этиб англашладигани ота-она ёши бир жойга бориб қолган, ўғил эса ўзича катта одам. Ўғлининг насихатга қўнмаганлигидан ота назарида кампир ҳайронлиги тунларни бедор ўтказиб ўғлига берган тарбияси. Ахир, онанинг берган тарбияси бундай эмасди-ку, “*бирор жойда янглишдимми*” деган ҳавотир эгаллаган. Одатда, ўзбек менталитетида шундай яхши бир анъана борки, бунда фарзандлар ота ҳурматига алоҳида эътибор, эҳтиром кўрсатадилар. Фарзандлар отага айтаолмаган гапини онаси орқали айтадилар, она ота ва фарзанд ўртасида воситачилик қилади. Бу мисраларда ҳам ана шу каби ҳолатларни англаш мумкин. Кампир ўғлига бундай тарбия бермагандику, ўғил эса ота насихатига қўниш у ёқда турсин, ҳатто эшитишни ҳам хоҳламагани ва бу ҳолатдан ота ва кампир бир аҳволда.

*Пишқиради олис йўлга шай,  
Бостирманинг остида жайрон.*

Насихатга қўнмаган ўғил жайрон отини тайёрлаб, олис сафарга кетмоқчи. Уни на олис йўл ва на ота насихати қизиқтирарди. Баъзан инсон олдида турли хил ҳаёт йўллари босиб ўтади, кимдир машаққатли меҳнат йўли, яна кимдир ижод йўли ва ёки машҳурлик сари йўл. Такдир муаллифи Аллоҳ. Такдир йўлини танлаш инсон ҳукмига ҳавола.

*Жилов тутган қўллар қалтирар,  
Кўзларида энди чол сўзи:  
-Ўқишингга бу йил бормасанг,  
Келаси йил борардинг, қўзим.*

Ўғил кетаётиб ўйланди ва қўллари қалтирай бошлади, энди ота айтган насихат кўзларида порлади. Ота бечора ёлғиз ўғлини олис шаҳарга юборгиси келмагани. Ҳа, бу айни ҳақиқат эди. Ота ҳақ. Чунки ўғил шаҳарга кетса, ўқиса, дунё кўрса, ота ҳовлисини унутиши ва бу ҳовлига қайтиши даргумон эди.

*Қайсар ўғил от устида шод,  
- Одам ўқиб танийди эсин.  
Сурув билан нима ишим бор,  
Менга деса қашқирлар есин.*



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

Қайсар ўғил... отда кетиб бораркан, у ўқимокдан хурсанд эди, ота сўзи ерда қолди. У ота ҳовлисини тарк этди, у ота мулкини тарк этди, бутун сурувни ҳам ҳатто қашқирлар есин деб кетди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди, на ота ва на онаси. Йигит фикри-ҳаёли ўқиш, одам ўқиса эсини танийди...

*Кетди ортда қолди дала, қир,  
Қора қўрғон қир устидаги.  
Йигитчанинг шаҳарда машҳур  
Шоир бўлмоқ эди тилаги...*

Далаларни, қирларни ошиб, йигит шаҳар илинжида йўл кезди. Қора қўрғон ошди, ўғил шаҳар етди. Йигитча ўз орзуи учун ота-онани, қишлоғини, ҳаммасини қолдириб шаҳардаги орзуси томон келди. Бу шундай орзу эканки, шаҳарда машҳур шоир бўлиш ва бу орзуга ҳам етди.

*Йиллар ўтди. Мункиллаб ҳамон,  
Қўй боқади, қирда чол тушгур.  
Ҳа, дарвоқе, ўгли бор эди-  
Ўгли бугун шаҳарда машҳур.*

Ўғил орзусига етди, у энди шаҳарда машҳур шоир. Аммо ота қариди ва мункиллаб қолди. Ота ўйлаган нарса бўлди. Ота мана шу ҳолатдан кўрқиб ўғлига насиҳат қилган эди, аммо бекор бўлди. Энди ўғил буни тушунса ҳам кеч бўлди, орадан қанча йиллар ўтди. Шу ўтган фурсат ичида машҳур ўғил бирон маротаба ҳам ота-онасидан хабар олмади. Ота-оналар фарзандларни не умидлар билан улғайтиради, ўстиради. Баъзан биз фарзандлар ўзимизни кўнглимизни ўйлаймиз-у, ота-она кўнглини ранжитамиз. Ота фарзанд не истаса ҳаммасига рози! Ота-оила қалқони. Бу айна ҳақиқатдир.

Шеър услуби ва мазмун жиҳатидан такрорланмаслиги ва унинг бадиий тасвир таъсирчанлиги ота тимсолининг ажиб бир сирли тарзда ёритилиши ўқувчини ўйланишга ва ўйлантиришга чорлайди. “Зеро ҳақиқий санъат асари, - деб ёзади У.Ҳамдам - унинг бир парчаси ҳақиқий шеър, унинг ҳатто биттагина мисраси ҳам миллий ва умуминсоний мерос эканига шубҳа йўқ” [4.131.]

Муҳаммад Юсуф ижодидаги ушбу шеъри ҳам одамни тафаккур қилишга, ота олдидаги масъулиятли бурчни қай даражада адо этолганимиз ва фарзандлик брүчимиз ҳақида яна бир бор ўйлашга чорлайди.

Хуллас, Муҳаммад Юсуфнинг “Машҳур ўғил” шеъри орқали ўзбек оталари ҳақида сўз юритдик. Ота ҳақида ёзилган асарлар бисёр уларни ўқиб хулоса чиқариш эса ҳар кимни ўзига хавола. Адабиётимизда ота образи, уларнинг ҳар бирининг тиниқ тасвири адабиёт боғида ўз ўрнига эга.



# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

## ИҚТИБОСЛАР

1. Matchonov S., Sariyev Sh. Abituriyent-2012 loyihasi turkumidan. To'ldirilgan va qayta ishlangan nashri. -Toshkent, 2012.
2. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. 1-китоб. -Тошкент, “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2017.
3. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. 2-китоб. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. -Тошкент -2017.
3. Муҳаммад Юсуф. Ишқ кемаси. -Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.
4. Улуғбек Хамдам. Рухни уйғотувчи сўз. -Тошкент, Turon zamin ziyo. 2017.

